

## TECHNOLOGICAL MODELS OF SOCIAL PROTECTION IN SMALL TOWNS

**Kahramon Nozimjonovich Kayumov**

Senior Lecturer, Department of Social Sciences, Tashkent Islamic Institute named after Imam Bukhari,  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [nqayumov@inbox.ru](mailto:nqayumov@inbox.ru)

**Annotation:** This article is devoted to the technological models of the organization of social protection of the population in small towns.

**Keywords:** Small town, social sphere, social cooperation, formal management, social infrastructure, appeal, medical services, safe city.

## КИЧИК ШАҲАРЛАРДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК МОДЕЛЛАРИ

**Каҳрамон Нозимжонович Каюмов**

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,  
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон  
E-mail: [nqayumov@inbox.ru](mailto:nqayumov@inbox.ru)

**Аннотация :** Мазкур мақолада кичик шаҳарларда ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг технологик моделларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** кичик шаҳар, ижтимоий соҳа, ижтимоий ҳамкорлик, рационал бошқариш, ижтимоий инфратузулма, мурожаатнома, тиббий хизматлар, хавфсиз шаҳар.

**Аннотация:** Данная статья посвящена технологическим моделям организации социальной защиты населения в малых городах.

**Ключевые слова:** малый город, социальная сфера, социальное сотрудничество, формальное управление, социальная инфраструктура, апелляция, медицинские услуги, безопасный город.

Ҳар қандай тарихий даврда, турли сиёсий тизимда ижтимоий соҳа жамиятнинг ривожланиш даражасини ва гуманистик характериини белгилаб берган. Бошқача айтганда, ижтимоий соҳага алоҳида эътибор бериш, кичик шаҳарлар инфраструктурасини ривожлантириш характериини белгилайдиган муҳим мезон ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, “ижтимоий соҳа” тушунчасининг комплекс ва универсал характери жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олиши билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ижтимоий соҳа аҳолининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маърифий йўналишлардаги фаолият эркинликларини таъминлаш ва рағбатлантиришнинг муҳим жиҳатларини ўз ичига қамраб олади. Зеро, бу муносабатлар жамият фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Кичик шаҳарлар ижтимоий соҳа тизимини самарали бошқариш ва ривожлантириш маъмурий, ташкилий, ижтимоий ҳамкорлик, интеллектуал, меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, ахборот, кадрлар, ғоявий, ижтимоий маданий захираларни комплекс қўллаш орқали амалга оширилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Зинченко Г.П., Подсвинова Л.В. Теоретико-методологические аспекты изучения малого города в социальном знании // Гуманитарные, социально экономические и общественные науки. - 2016. № 4. С. 41-45.

Мамлакатимизда, айниқса, унинг асосий ҳудудларини ўз ичига қамраб олган кичик шаҳарларимиз инфратузилмасини яхшилаш мақсадида янги рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорлар томонидан ташкил этилган кичик корхоналарнинг ривожлантирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуксиз равишда муҳим амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш, мамлакат аҳолисининг урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқиш” каби чора-тадбирлар илгари сурилган<sup>2</sup>. Ўзбекистонда айниқса, кичик шаҳарларидаги янги иқтисодий тизимни янада такомиллаштириш ва рационал бошқариш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритишдаги муносиб шарт-шароитларни яратиш ва маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш тизимига инновацияларни олиб кириш, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини фаровонлаштиришга хизмат қилувчи инвестициялар жалб қилинишини янада фаоллаштириш, авваламбор, фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жамият ижтимоий инфратузилмасини бошқариш аҳоли фаровон турмуш тарзи учун шароитлар яратиш, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларни ривожлантиришни кўзда тутди. Бундан кўзланган мақсад ижтимоий, коммунал, маданий соҳаларда аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондиришдан иборат. Охириги йилларда бозор иқтисодиёти ислохотлари жараёнида жамиятда радикал ўзгаришлар рўй берди. Бу ўз навбатида шаҳар, кичик шаҳар ва қишлоқлар инфраструктурасига албатта ижобий, айни пайтда салбий таъсир ҳам ўтказди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда кўпгина вилоятлардаги кичик шаҳарлар инфратузилмаси қониқарли даражада деб бўлмайди. Чунки, айрим вилоятларда кескин ривожланишни кузатсак (савдо, озиқ-овқат саноати), бошқаларида турғунлик, ҳатто, деградация ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. Буни биз Республика ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келаётган қуйидаги умумий даромадлардан ҳам билиб олишимиз мумкин:

*Минг сўм*

	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>3361,5</b>	<b>3832,8</b>	<b>5070,5</b>	<b>5810,0</b>	<b>6817,6</b>	<b>8580,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2440,7	2833,2	3617,5	4077,4	4889,3	6451,8
<b>Вилоятлар:</b>						
Андижон	3217,8	3684,1	4699,4	5471,5	6571,5	8174,5
Бухоро	4115,8	4651,5	6140,5	7020,7	8437,7	10848,4
Жиззах	2438,1	2862,1	4512,2	5134,2	6098,0	7955,5
Қашқадарё	2866,6	3241,5	4389,5	5171,5	6031,6	7384,8
Навоий	5438,5	6291,6	8355,5	9342,1	10682,7	13375,6
Наманган	2434,2	2811,4	3896,2	4483,2	5369,2	6582,1
Самарқанд	2935,9	3311,0	4410,1	5257,4	6137,3	7678,2
Сурхондарё	2713,2	3102,2	4349,4	4820,1	5536,0	7244,2

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

Сирдарё	3577,0	4045,1	5433,9	6342,3	6338,4	7706,0
Тошкент	3515,2	4087,4	5819,4	6342,4	7189,0	8928,4
Фарғона	2903,7	3285,1	4332,5	4763,8	5362,0	6836,0
Хоразм	3213,9	3619,0	4804,6	5517,4	6900,2	9094,4
Тошкент шаҳри	6678,9	7599,0	8924,9	10631,5	12937,7	15927,1

Республика ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келаётган умумий даромадлардаги бунувувофиқликка кўшимча равишда ижтимоий объектларнинг замон ва макондаги норационал жойлашуви тақсимооти кўзга ташланади, бу ҳам ўз навбатида мавжуд даромад манбаларидан аҳолининг самарали фойдаланишига тўсқинлик қилмоқда. Бу кўпинча жамоат транспортлари хизматларини йўлга қўйишдаги муаммолар билан боғлиқ бўлиб, аҳолини “бир қадамлик иш”га узоқ йўл ва кўп вақт сарфлашига олиб келмоқда. Кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузулмаси ривожига тўсқинлик қилаётган жиддий муаммолардан бири аҳоли даромади билан ижтимоий соҳа хизматларига қўйиладиган нарх-наво номутаносиблиги, натижада бундай хизматларга эҳтиёж пасайиб ҳатто мутлақо йўқолиш даражасига келиб қолган. Бу муаммолар айниқса қиммат турар жойлар, таълим хизматлари, сифатли тиббий хизматлар ва бошқа шу каби энг муҳим ҳаётий жабҳаларда кўзга ташланади.

Инсон ўз ҳаётида муваффақиятга эришишининг субъектив жиҳати ижтимоий, касбий ўсиш ва ривожланишга бўлган иштиёқ ва эҳтиёж ҳисобланади. Кичик шаҳарларда кўпинча аҳолининг энг катта ташвиши бу иш ҳақининг камлиги, шунингдек, ўз фарзандларининг тақдири, ўз келажагининг ноаниқлиги ва атроф-муҳитнинг ҳавfli таҳдидлари: экология, наркомания, жиноятчилик, одам савдоси ва бошқалар. Статистика бўйича кичик шаҳарларда ишдан қониқиш индекси 0,56 % ни ташкил қилади<sup>3</sup>. Кичик шаҳарларда маҳаллий аҳолининг меҳнат салоҳияти тўлиқ ишлатилмайди. Аҳолининг тиббий ёрдам кўрсатиш хизматидан норозилиги, бу асосан тиббий хизматларнинг етарли даражада яхши ташкил этилмаганлиги ва дори-дармонларнинг қимматлиги билан боғлиқ бўлади. Таълим соҳасида ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, моддий-техник базанинг эски ва ночорлиги, умумий интизомнинг пастлиги, энг кўп ташвишга соладиган жиҳатлардир. Субъектив мезонлар билан белгиланадиган аҳолининг ижтимоий таъминоти индекси атиги максимал даража 0,27 ни ташкил этади.

Аҳолининг аксарияти уй-жой-коммунал хизматларнинг ҳолати ва сифатидан қониқмайди. Аҳоли ижтимоий фаровонлик борасида келажакда келиб чиқадиган салбий ҳис-туйғулар (ноаниқлик, хавотир, қўрқув)га қарамай ҳаётга оптимистик муносабат замирида бирлашади. Бундан ташқари кичик шаҳарларда ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг норасмий турлари ҳам мавжуд: қариндош-уруғлар ва дўстона беғараз ёрдамлар шулар жумласидандир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кичик шаҳарларда ҳамма жойда бўлгани каби бошқарув фаолиятининг инновацион усуллари амалда қўллаш ижобий натижа беради. Бу кичик шаҳар аҳолиси ҳаётини яхши томонга ўзгартира оладиган, ижтимоий ривожланишнинг замонавий стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишга қодир бўлган турли хил профилли менежерларининг касбий ва шахсий фазилатларини шакллантиришга имкон беради. Шу боисдан ҳам Д.Э.Тўхтабоева тўғри таъкидлаганидек, “ўтиш даврида республика шаҳарларида иқтисодий тармоқларни шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб бермай қолган йирик саноат корхоналари модернизация қилинди, замонавий технологиялар ўрнатилиб, акционерлик жамиятига айлантирилди”<sup>4</sup>.

Шу маънода ижтимоий соҳа ривожланишининг шаҳар бошқарувини технологиялаштириш зарурати қуйидаги сабабларга боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

<sup>3</sup> Кривова Д.А. Управление социальной инфраструктурой в малых городах : автореферат дис. ... кандидата социологических наук. - Екатеринбург, 2013. - 26 с.

<sup>4</sup> Тўхтабоева Д.Э. Фарғона водийси вилоятларидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991–2016йй.) Тарих фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2019. –Б.14.

Биринчидан, ижтимоий соҳани ривожлантиришни бошқаришни технологиялаш шароитлари аянчли аҳволда бўлгани сабабли.

Иккинчидан, бу экспериментлар давомида тўпланган технологологияларни бошқариш жараёни долзарблигини таъкидлашга имкон беради, чунки, мамлакатда узоқ йиллар давомида амалга ошириб бўлмайдиган ижтимоий мақсадлар қўйилган эди. Бундай максимализмнинг инерцияси ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Бу, хусусан, уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш учун бир неча марта қолдирилган саналар билан тасдиқланади. Шунингдек, шаҳар ижтимоий соҳасини бошқаришнинг оптимал технологиялари устидан доимий изланиш зарурати; иккинчидан, амалий жиҳатдан ижобий тажриба алмашилиши, ютуқларни умумлаштириш ҳам шу соҳа муваффақияти асоси ҳисобланади. Масалан, мамлакатимиз кичик шаҳарларида “ақлли шаҳар” инновацион технологияларини самарали жорий қилиш ёки бу ҳудудларда “хавфсиз шаҳар”, “ақлли ҳисоблагичлар”, “ақлли транспорт”, “ақлли тиббиёт йўналишлари” бўйича инновацион лойиҳаларни режалаштириш ва уларни муваффақиятли амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепцияси 2019 йил 18 январда Вазирлар Маҳкамасининг 48-сонли қарори билан тасдиқланди. Унинг асосий мақсади “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш орқали шаҳарларнинг замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ушбу концепцияда “Ақлли шаҳар” инновацион технологиялари жорий этишнинг асосий йўналишлари ва босқичлари ифодаланиб, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган<sup>5</sup>. Ва инновацион технологиялар кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Зинченко Г.П., Подсвинова Л.В. Теоретико-методологические аспекты изучения малого города в социальном знании // Гуманитарные, социально экономические и общественные науки. - 2016. № 4. С. 41-45.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.
3. Кривова Д.А. Управление социальной инфраструктурой в малых городах : автореферат дис. ... кандидата социологических наук. - Екатеринбург, 2013. - 26 с.
4. Тўхтабоева Д.Э. Фарғона водийси вилоятларидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991–2016йй.) Тарих фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2019. –Б.14.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2020 й., 09/20/348/0716-сон

<sup>5</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2020 й., 09/20/348/0716-сон